

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Қўлёзма хукуқида
УДК: 336.2:6П2.15.7(575.1)**

ЭРГАШОВ ЖАМШИД АШУРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ
ҲАМДА ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит


**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари номзоди,
доцент Э.Ф.Гадоев**

1231

Тошкент – 2023 йил



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ.	
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1-§. Маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг илмий-услубий асослари.....	14
1.2-§. Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришга оид илмий-назарий қарашлар таҳлили.....	34
Биринчи боб бўйича хулосалар	45
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ВА ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИИ ШАКЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	47
2.1-§. Маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилишда модел ва методларнинг аҳамияти.....	47
2.2-§. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиши ва прогнозлаштириш амалиёти таҳлили.....	59
2.3-§. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг эконометрик таҳлили.....	84
Иккинчи боб бўйича хулосалар	105
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИИ МУСТАҲКАМАЛАШНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ....	107
III БОБ.	
3.1-§. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш даромад манбаларини шакллантиришнинг хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили.....	107
3.2-§. Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилишни такомиллаштириш ва даромадлар базасини мустаҳкамлаш йўналишлари.....	117
Учинчи боб бўйича хулосалар	129
ХУЛОСА.....	131
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	135
ИЛОВАЛАР.....	

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида рўй берадиган беқарорлик ва тебранишлар шароитида мамлакатлар амалиётида йиллик бюджетни шакллантиришда солик тушумларини прогнозлашнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Солик тушумларини прогнозлаштириш фискал ҳаракатлар барқарорлиги ва ташки қарздаги муаммоларни ҳал қилиш учун фискал сиёсатни мувозанатлаш ҳолати тўғрисидаги маълумот манбаи ҳисобланади. “Давлат бюджети ходимлари миллий ассоциациясининг 2022 йил кузги ҳисботида 2020 ва 2021 молиявий йилларни бирлаштирганда умумий жамғарманинг умумий даромадлари пировардида пандемиядан олдинги прогнозларга қараганда 2,2 фоизга юкори бўлганлиги аникланди”¹. Ҳозирги даврда бюджетни аник ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва истиқболли баҳолашлар асосида ривожлантиришнинг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш ва асослаш каби масалалар мавзунинг долзарблигини оширмоқда.

Жаҳонда глобал миқёсдаги интеграция ва рақобатлашувнинг кучайиши шароитида давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқотларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Даромадларни прогнозлаш жараёнини башорат қилиш ва сифатли прогнозлаш, экспоненциал текислаш ва ягона тенглама регрессия прогнози, макроиқтисодий даромадларни прогнозлашда харажатларни прогнозлаш, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, дастурий-мақсадли усулда бюджетни режалаштириш услубиётини такомиллаштириш, давлат бюджети прогноз хатоликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бу борадаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан

¹ The Resilience of State and Local Government Budgets in the Pandemic. By Jeffrey Clemens·March 29, 2022. University of California, San Diego. <https://econofact.org/the-resilience-of-state-and-local-government-budgets-in-the-pandemic>